

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Олтиариқ тумани

Хокими ўринбосари

Ш.Мамасидиков

05 2022 й



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қизилтепа МФЙ ҳудудига намунавий қурилган уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳолини электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш учун лойиҳа-смета, АРТ, муҳандислик-геологик тадқиқотлари, экологик лойиҳа ва экспертиза, натижалари тўғрисидаги ҳулосалар, лойиҳа смета экспертизасини ўтказиш хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 25 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якуллари бўйича **ғолиб чиксан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли маъзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорда аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Олтиариқ тумани ҳокимлиги** (будан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” маъни: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилоят, Олтиариқ тумани

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги маънавий талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- Лицензия, гувоҳнома;

- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;

- Танловдаги объектга ўқшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси;

- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Илҳом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан бўғлиқ фаолият қонунчиликка бинсон лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассаслик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги маъжудлар.

Фарғона-2022-й

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буортмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, "Буортмачи" томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш мuddатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини мухриаб тасдиқланган холда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш мuddати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиши ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУDDАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар мuddатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йнгилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов мuddатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуи талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда тoлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрйлигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачисини билан ўрнатилган тартибда ва мuddатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачисини танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш мuddати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақси. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган мuddат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичда давлат буюртмачисини, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш мuddати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларнинг кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасини харид комиссиясининг барча аъзолари томондан имзоланади ҳамда ундаёқ олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичда махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчисини таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасини эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачисини бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичда танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчисини томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади